

02.05.2015-113q

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 апрелдаги «Республика агросаноат комплекси учун мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” X Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” IV Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 103-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида” 2012 йил 21 майдаги ПҚ-1758-сон қарорини бажариш юзасидан, қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни янада жадал ривожлантириш, энг янги технологиялар ва замонавий техника билан жиҳозланган мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ихчам корхоналарини ташкил этиш, етакчи хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқариладиган илғор, юқори самарали мини-технологиялар ва асбоб-ускуналар билан танишиш учун фермер хўжаликлари, агрофирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек уларни сотиб олишда уларга қўмаклашиш мақсадида чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 апрелдаги 103-сонли қарори ижросини таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 апрелдаги «Республика агросаноат комплекси учун мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” X Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” IV Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 103-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 21 майдаги ПҚ-1758-сон қарори билан ташкил этилган 2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури бажарилишини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва масалаларни тезкор ҳал этиш Идоралараро комиссиясининг (кейинги ўринларда Идоралараро комиссия деб аталади) 2015 йил 27-30 майда Тошкент шаҳрида “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар компанияси акциядорлик жамиятининг кўргазма майдонлари базасида:

Республика агросаноат комплекси учун мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” (кейинги ўринларда “Uzbekistan Agrominitech Expo-2014” деб аталади) X халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини:

қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” (кейинги ўринларда “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” деб аталади) IV халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасини биргаликда ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилганлиги;

б) “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар компанияси акциядорлик жамиятининг кўргазмалар майдонлари кўргазмалар иштирокчиларига бепул берилиши, кўргазма стендларини қуриш ва қўшимча кўргазма ускуналарини тақдим этиш ва хизматлар кўрсатиш эса белгиланган нормативларга мувофиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги;

в) Куйидагилар:

кўргазмаларни ўтказишнинг мавзули режалари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

кўргазмалар доирасида 2015 йил 27-30 май даврида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси қўмағида, фермер хўжаликлари, агрофирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий ва хорижий компаниялар вакиллари тақдимотларини ташкил этган ҳолда, “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар компанияси акциядорлик жамияти кинолкторийсида ҳар кунги мавзули семинарларни ўтказишнинг намунавий сценарийси 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, республика вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари ҳокимликлари раҳбарларининг, республиканинг барча минтақаларидаги фермер хўжаликлари, агрофирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари кўргазмаларга келиш жадвали, шунингдек минтақалардан кўргазма иштирокчиларининг Тошкент шаҳрида бўлиши бўйича бириктирилган масъул шахслар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 24 августдаги ПҚ-449-сон

қарори билан ташкил этилган Республика агросаноат комплекси учун мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита Идоралараро комиссия, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш учун мини-технологиялар ҳамда ихчам асбоб-ускуналар, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналар ва асбоб-ускуналарнинг етакчи жаҳон ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини кўргазмаларда қатнашишга жалб этиш бўйича фаол реклама-ахборот ва ташкилий ишларни амалга оширилиши;

д) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги кўргазмалар иштирокчилари ўртасида шартнома асосида тарқатиш мақсадида Ўзбекистонда ва хорижда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги учун мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг муфассал каталогини нашр этилиши;

е) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан биргаликда:

фермер хўжаликлари, агрофирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўплаб талаб қилинадиган мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар турлари бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига бир ҳафта муддатда тақдим этилиши;

фермер хўжаликлари, агрофирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларининг, шунингдек республика минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳалар ташаббускорларининг қатнашишини таъминлаш ва контрактларни имзолашида кўмаклашиш топширилганлиги;

ё) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги учун мини-технологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 24 августдаги ПК-449-сон қарорининг 7-бандида назарда тутилган имтиёзлар “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” кўргазмасида иштирок этиш доирасида, шунингдек кўргазма-савдо давомида тузилган контрактларни бажариш юзасидан қишлоқ хўжалиги учун мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарни четдан келтирувчи ташкилотларга татбиқ этилиши маълумот учун;

ж) Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларига “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” кўргазмасида тузилган контрактлар бўйича қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарини тендер савдолари ўтказмасдан сотиб олишга истисно тартибда рухсат этилганлиги;

з) Идоралараро комиссия Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” кўргазмаси натижаларига кўра 2015 йил 30 июнча бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигига етказиб бериш учун жаҳондаги энг яхши ишлаб чиқарувчилардан техниканинг халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган техниканинг замонавий ва юқори нумли турларини танлаб олиш юзасидан таклифлар киритилганлиги;

и) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги буюртманомаларига биноан кўргазмаларнинг хорижий иштирокчиларига кириш визаларининг консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминлаш топширилганлиги;

й) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги кўргазмалар ўтказиладиган, шунингдек уларнинг иштирокчилари яшайдиган жойларда жамоат тартиби ва ёнғин хавфсизлигининг тўлов ундирилмасдан қуриқланишини таъминлаш топширилганлиги;

к) “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси:

кўргазмалар иштирокчиларини “Тошкент” аэропортида кутиб олиш ва кузатиб қўйишларни ташкил этиш штаби ишлари мувофиқлаштирилишини, бунда штабнинг зарур миқдорда ташкилий-техника ва алоқа воситалари билан жиҳозланишини, шунингдек “Тошкент” аэропортида уларга транспорт хизмати кўрсатилиши назарда тутилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги буюртманомаларига биноан кўргазмага юборилаётган кўргазма юқларининг имтиёзли юк тарифлари бўйича ташилишини, белгиланган юк тарифларидан 30 фоизли чегирма берилишини, юқларнинг “Тошкент” аэропортида ишланиши ва сақланиши учун йиғимлар тўловидан озод қилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг буюртманомаларига биноан “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” ва “Uzbekistan Agrominitechmash Expo-2015” кўргазмалари иштирокчилари учун авиачипталарнинг банд қилиниши ва сотилишини;

кўргазмалар иштирокчиларига “Тошкент” аэропортининг СІР зали орқали кутиб олинишини ва рўйхатдан ўтказиш алоҳида йўлаги бўйича умумий зал орқали кузатиб қўйилишини ҳамда тартиботларнинг тўлов ундирилмасдан ўтказилишини;

аэропорт биноси хоналарининг “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” ва “Uzbekistan Agrotechmash Expo-2015” кўргазмалари реклама кўрсаткичлари билан жиҳозланишини;

тадбир меҳмонларига ва иштирокчиларига хизмат кўрсатадиган автотранспорт воситаларининг такси ва туризм автобуслари учун мўлжалланган «Тошкент» аэропорти автомобиллар тўхташ жойига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги буюртмаларига биноан бепул киритилишини таъминлаш топширилганлиги;

л) “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тизимига кирувчи ташкилотларнинг ҳамда “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” ва “Uzbekistan Agrotechmash Expo-2015” кўргазмалари иштирокчиларининг буюртманомаларига биноан кўргазмага юборилаётган кўргазма юқларининг имтиёзли тарифлар бўйича ташилишини, белгиланган ставкаларнинг камида 30 фоизи миқдорида чегирма берилишини, белгиланган манзилга етказиб беришнинг ва темир йўлда кўргазмага олиб келинаётган юқларни тушириш учун вагонларнинг йиғимлар ундирилмасдан ўз вақтида беришнинг тезкор кузатиб турилишини;

кўргазмага келаётган вагонларнинг бўш туриб қолганлиги учун тўловлардан озод қилишни таъминлаш топширилганлиги;

м) Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги кўргазмаларга тайёргарлик ва кўргазмалар ишларининг матбуот ва электрон оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан интернет-нашрларда кенг ёритилишни таъминлаш топширилганлиги;

н) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг буюртманомаларига биноан “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” ва “Uzbekistan Agrotechmash Expo-2015” кўргазмаларига келувчилар учун шартнома асосида, имтиёзли шартларда маълумотнома-ахборот буклетлари ҳамда сумкалар тайёрланишини таъминлаш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Сейтахов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хожаметов), Қорақалпоғистон Фермерлар кенгаши (Сейтназаров), Савдо-саноат палатаси (Қайпназаров), Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси (Алланиязов), Нукус халқаро аэропорти (Раджапов), Қўнғирот минтақавий темир йўл узели (Қудайназаров), Қорақалпоқ Телерадиокомпанияси (Нағметов), Матбуот ва ахборот агентлиги (Палимов)га, туман ҳокимликлари билан биргаликда юқоридаги қарор топшириқларини ўз вақтида бажариш ва “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” ва “Uzbekistan Agrotechmash Expo-2015” кўргазмаларига қатнашадиган фермер хўжаликлари, агрофирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг рўйхатини 2015 йил 20 майгача шакиллантириш вазифаси юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Сейтахов), Савдо-саноат палатаси (Қайпназаров), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хожаметов), Қорақалпоғистон Фермерлар кенгаши (Сейтназаров), Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси (Алланиязов), тижорат банклари раҳбарлари, туманлар ҳокимлари билан биргаликда фермер хўжаликлари, агрофирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларининг, шунингдек ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳалар ташаббускорларининг қатнашишларини ва мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича шартномалар тузишни ҳамда тузилган шартномалар асосида кредит маблағларининг ўз вақтида ажратилишини таъминласинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Бердиев), Савдо-саноат палатаси (Қайпназаров), Қорақалпоғистон Фермерлар кенгаши (Сейтназаров), Нукус халқаро аэропорти (Раджапов), Қўнғирот минтақавий темир йўл узели (Қудайназаров), туман ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари билан биргаликда “Uzbekistan Agrominitech Expo-2015” ва “Uzbekistan Agrotechmash Expo-2015” кўргазмаларига қатнашадиган фермер хўжаликлари, агрофирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг Тошкент шаҳрига бориш ва қайтишида ҳавфсизлигини таъминлаш топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари (Ембергенов), Вазирлар Кенгашининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича котибияти (Муханов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хожаметов) зиммаларига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

Б.Янгибаев

Нукус ш.,

2015 йил, 2 май

№113

Ko'rib chiqildi:



[Vazirlar Kengashi](#) [Statistik va tahliliy ma'lumotlar](#)
[Vazirliklar va idoralar](#) [Shahar va tuman hokimliklari](#)
[Hujjatlar](#) [Respublika mehmonlariga](#) [Elektron hukumat](#) [Interaktiv davlat xizmatlar](#)